

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

МАРАСУЛОВ МУРАД БАБИРОВИЧ

**НАНОСТРУКТУРАЛАРДА ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ
3-АВЛОДИНИ ЯРАТИШДА КЎП ЭКСИТОНЛИ ГЕНЕРАЦИЯНИНГ
ТАЪСИРИ**

02.00.12- Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Физика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical
sciences**

Марасулов Мурад Бабинович

Наноструктураларда куёш элементларининг 3-авлодини яратишда
кўп экситонли генерациянинг таъсири..... 3

Марасулов Мурад Бабинович

Эффект множественной экситонной генерации в наноструктурах для
создания солнечных элементах 3-го поколения 21

Marasulov Murad Babirovich

The effect of multiple exciton generation in nanostructures for the creation
of the 3rd generation solar cells 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

МАРАСУЛОВ МУРАД БАБИРОВИЧ

**НАНОСТРУКТУРАЛАРДА ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ
3-АВЛОДИНИ ЯРАТИШДА КЎП ЭКСИТОНЛИ ГЕНЕРАЦИЯНИНГ
ТАЪСИРИ**

02.00.12- Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология

**ФИЗИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Физика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/FM527 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тураева Нигора Назаровна физика фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Матрасулов Даврон Урунович физика фанлари доктори, профессор Юлдашев Шавкат Узгенович физика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «23» декабрь соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2022 йил «9» декабрь куни тарқатилди.

(2022 йил «____» ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

С.Ш. Рашидова

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

И.Н. Нурғалиев

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш котиби, ф-м.ф.д., катта илмий ходим

Н.Н. Ашуров

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда куёш энергиясини электр энергиясига айлантиришда, экологик тоза, иқтисодий самарали органик-ноорганик материаллардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишда Шокли Квизер чегара қийматларига нисбатан юқори самарадорликка эга куёш элементларининг кейинги авлодларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказларида ёруғликни бошқариш қобилиятига эга оптоэлектроник қурилмаларнинг универсал таркибий қисмларини, шунингдек энергия оқимини деярли атом даражасига қадар бошқарувчи нанотузилишли материалларни яратиш ва ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқотлар жадал олиб бормоқда. Бу борада наноструктура тузилишли куёш элементлари – наносимлар ва квант нуқталар катта истиқболга эга ва куёш энергиясини электр энергиясига айлантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Республикамизда ноанъанавий энергия манбаларидан, биринчи навбатда, куёш энергиясидан фойдаланишни кенгайтиришга ва ушбу йўналишда жаҳон миқёсида фундаментал ва амалий ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида¹ ва 2030-йилгача бўлган илм-фанни ривожлантириш концепциясида² “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш...” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда маълум бўлган энергия конверциясининг самарадорлигини 25,7% дан ошириш учун квант нуқталари бўлган органик-ноорганик куёш элементларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2772-сон “2017 — 2021 йилларда электротехника саноати бошқарувини жадал ривожлантириш ва диверсификациялашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги ЎРҚ-539-сон “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида” Қонуни, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II “Энергетика,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони

энерготехнологиялар ва муқобил энергия манбалари” ҳамда VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида учинчи авлод қуёш элементларини барқарорлиги ва самарадорлиги кўтариш учун наноструктураларда кўп экситон генерация таъсирига қаратилган илмий изланишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Чоп этилган нашрларнинг кўпчилигида асосан квант нуқталар билан қўшилган қуёш элементлари самарадорлигини оширишга бағишланган. Жумладан, кўп экситон генерация эффекти асосида наноструктурали қуёш элементларини ўрганиш бўйича дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказларнинг олимлари Гретцель М., Нозик А., Бирд М., Климов В., Шаллер Р.Д., Захидов А., Каннингхэм П., Падилха Л., Грин Р., Сеок С.И., Парк Н.Г., Миясака Т., Ридели Т., Дейбл К. ва бир қатор илмий мактаблар катта ҳисса қўшишган.

Республикамизда мазкур йўналиш ривожига академик Рашидова С.Ш., профессорлар Оксенгендлер Б.Л., Тураева Н.Н., Матрасулов Д.У., Ашуров Н.Р., ва бошқалар наноструктурали учинчи авлод қуёш фототашкил этувчиларда кўп экситонли генерация жараёнини ўрганишда ўз ҳиссаларини қўшган.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда квант нуқта ва наносимларда кўп экситонли генерация эффектини амалга оширишда электрон ковак жуфтлигини квант чиқишини, кўп экситонли генерация эффектини ўлчам ва ўлчамийлигига боғлиқлиги, кўп экситонли генерация эффектнинг микроскопик механизми, шунингдек электрон ковак жуфтлигини бўлинишида сирт юзасининг таъсири тажриба натижаларини талқин қилиш масалалари етарлича ўрганилмаган. Мазкур йўналишда органик-ноорганик материалларнинг хусусиятлари етарлича таҳлил қилиш ва яқин келажакда биринчи авлод қуёш элементларига хос бўлган иқтисодий кўрсаткичларга эришишиш истиқболларини юзага келтиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т-008 «Маҳсус хоссали нанополимер системаларнинг табиий ва синтетик полимерлар модификацияси ва реакция шароитлари билан боғлиқлиги» (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп экситонли генерация асосида учинчи авлод қуёш элементларининг қуёш энергиясини электр энергиясига самарали айлантиришнинг молекуляр механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик ўлчовли наноструктураларда ўлчами ва ўлчамийлиги қараб кўп экситонли генерациянинг статистик назариясини ишлаб чиқиш;

квант силкиниш назарияси асосида микроскопик кўп экситонли генерация назариясини ишлаб чиқиш ҳамда муҳим кўп экситонли генерация омилларини назарий ўрганиш;

кўп экситон генерация эффектидан фойдаланиш учун полимер матрицаси орқали квант нуқта - квант нуқта контактлари ва сирт ролини ўрганиш ҳамда зарядни самарали ажратиш учун фуллерен- полимердан фойдаланиш.

Тадқиқотнинг объекти кўп экситонли генерация эффектини намоён этиладиган кичик ўлчовли наноструктуралар, фуллерен ва полимерлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети кичик ўлчовли наноструктураларда кўп экситонли генерациянинг электрон ва молекуляр таъсири, шунингдек кўп экситонли генерацияга сирт таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда нуклеон-нуклон тўқнашувидан мезонлар ва нуклеонлар ҳосил бўлишининг Ферми статистик назарияси, квант механикаси ва конденсирланган муҳит усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кичик ўлчамли наноструктураларда юқори энергияли фотон ютилишида ферми статистик ёндашувидаги нуклеон -нуклеон тўқнашувларида нуклеон ва мезонларни ҳосил бўлиши асосида кўп экситонли генерациянинг феноменологик назарияси ишлаб чиқилган;

илк бор силкинишнинг квант тушунчаларига асосланган кўп экситонли генерациянинг микроскопик назарияси ишлаб чиқилган;

илк бор яримўтказгичли квант нуқтада фрактал юзаларининг имкониятларини ҳисобга оладиган модель қурилган ва самарадорликни ошириш шартлари аниқланган;

илк бор резонансли ҳолатларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда квант нуқталар орасидаги полимер қатлами бўлим чегараси орқали генерацияланган зарядлар оқими, шунингдек фуллерен-полимер интерфейсида зарядларни тез ажратиш модели қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўп экситонли генерация эффектини амалга оширишда наноструктураларнинг таркиби, ўлчам ва ўлчамийлигини аниқлаш учун назарий моделлар ишлаб чиқилди;

ушбу назарий ёндашувлар асосида бутунлай янги нанозарралар архитектураларнинг вариантларини (масалан, core/shell, genius), шунингдек перовскитлар асосидаги кўп экситонли генерация учинчи авлоднинг турли хил ёндашувлари комбинацияларини таҳлил қилиш имкониятлари яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда квант механикаси ва назарий физика усулларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижалар Республика ва Халқаро илмий анжуманларда муҳокамалар қилинган, шунингдек тақризданадиган илмий нашриётларда чоп этилган. Олинган назарий натижалар аниқ,

такрорланадиган ва бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотларга зид келмайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, кўп экситонли генерация эффекти асосида учинчи авлод қуёш батареяларини қуриш учун амалий аҳамиятга эга бўлган қурилган назарий моделлар мажмуаси ёруғликнинг жисм билан ўзаро таъсири муаммосида бир қатор янги ёндашувларни (назарий усул сифатида) ифодалайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, биринчи марта квант нуқталарининг фрактал юзасини ҳисобга оладиган кўп экситонли генерация модели қурилган ва ушбу модел асосида қурилманинг умумий фойдали иш коэффициентини тахмин қилиш мумкин.

Генерацияланган зарядларни полимер қатлам орқали қўшни квант нуқталардан ўтиш учун қурилган моделнинг параметрларини танлаш орқали қурилманинг умумий юқори самарадорлиги таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Наноструктураларда қуёш элементларининг учинчи авлодини яратишда кўп экситонли генерациянинг таъсири” бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мазкур тадқиқот бўйича чоп этилган, ёруғлик конверсиясининг ички самарадорлигини ошириш учун ва кўплаб экситонларни яратиш ҳодисаси туфайли қуёш элементларининг самарадорлигини ошириш бўйича олинган назарий-илмий тадқиқот натижаларидан юқори импакт факторли (IF) 5 та хорижий илмий журналларда фойдаланилган ва ҳаволалар берилган (Journal of Power Sources 355 (2017) 98-133; Renewable and Sustainable Energy Reviews 109 (2019) 160–186; Applied Solar Energy, 2016, Vol. 52, No. 2, pp. 122–127; Solar Energy 228 (2021) 405–412; AIP Advances 11, 025226 (2021)). Натижада ёруғлик конверсиясининг ички самарадорлигини ошириш учун ва кўплаб экситонларни яратиш ҳодисаси туфайли қуёш элементларининг самарадорлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилиши имконини берган; кўп экситонли генерация эффектини амалга оширишда наноструктураларнинг таркиби, ўлчами ва ўлчамийлигини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган, ишлаб чиқилган назарий моделлар Шаржа Америка Университетининг ягона тадқиқот марказида FRAGS 1801 тадқиқот лойиҳасида қўлланилган (Шаржа Америка университетининг 30 сентябрь 2022 йилдаги № 228В сонли хати). Натижада ишлаб чиқилган моделлар перовскит асосидаги қуёш элементларининг учинчи авлодини ривожлантиришда тажрибаларда қўлланилиш ва юқори натижаларга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация бўйича олинган асосий натижалар 8 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD)

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шу жумладан, 2 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 96 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий муаммо шакллантирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, мавзунинг илмий адабиётларда ўрганилганлик даражаси аниқланган. Тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва ишончлилик даражаси кўрсатилган, илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нанотузилишли 3-авлод қуёш элементларини яратишда кўп экситон генерациясининг таъсири”** номли 1-бобида КЭГ асосидаги 3-авлод қуёш элементларининг замонавий усуллари ва тадқиқотлари бўйича адабиётлар муҳокама қилинган. Тажрибаларда кўп экситон генерация (КЭГ) эффектини намоён қилган квант нуқталар бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Мавжуд назарий ва тажрибавий маълумотларни таҳлил қилиш асосида ишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг **“Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. КЭГ эффектнинг статистик назарияси”** номли 2-бобида КЭГ эффектига Ферми ёндашувидан фойдаланиш натижалари келтирилган. Ферми статистик ёндашувини қўллаш ғояси шундан иборатки, квант механикаси асосида аниқланган n заррачаларнинг кўп туғилишининг нисбий эҳтимолини қуйидаги тенглама билан ифодаланиши мумкин:

$$R_{кв}(n) = \frac{W_n}{\sum_n W_n}, \quad (1)$$

статистик физика асосида аниқланган $R_{ct}(n)$ эҳтимоллиқни шундай алмаштириш мумкин:

$$R_{ct}(n) = \frac{S_n}{\sum_n S_n} \quad (2)$$

Бу ерда
$$W_n = \frac{2\pi}{\hbar} |M_n|^2 \prod_{i=1}^n \frac{\Omega d \bar{P}_i}{8\pi^3} \delta(E - \sum_i E_i) \quad (3)$$

n заррачаларнинг туғилишининг квант механик эҳтимоллиги, M_n – кўп ўтишга мос матрица элементи, Ω - n та заррачалар туғилган ҳажм, E ва E_i заррачаларнинг умумий ва парциал энергияси.

Шунга кўра, ҳосил бўлган n заррачаларнинг Ω ҳажмидаги статистик оғирлиги учун қуёидагига эга бўламиз

$$S_n = \left(\frac{\Omega}{8\pi\hbar^3} \right)^n \frac{dQ}{dE} . \quad (4)$$

Бу ерда Q - n та заррачанинг умумий энергияси E бўлган ҳолатдаги импульс фазосининг ҳажми.

Шундай қилиб куйдаги постулотга эга бўламиз:

$$R_{\text{кв}}(n) = R_{\text{ст}}(n) \quad (5)$$

ва бутун муаммо dQ/dE ҳосиласини топиш орқали ечилади.

Ўзини юқори энергия физикасида исботлаган ушбу ёндашув КЭГ физикасида ҳам жуда самарали эканлигини исботлади, бу назария турли хил материаллар, квант нуқталарининг катталиги ва фотонларнинг энергияси учун тажриба билан мувофиқлаштиришга имкон берди. Бироқ, энергетик фотон квант нуқтасида ютилганда, бир вақтнинг ўзида нафақат экситонлар, балки фононлар ҳам туғилиши мумкин. Охирги ҳолат $S(n)$ ни аниқроқ ҳисоблашни талаб қилади.

Ферми томонидан ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмини умумлаштириб, ва 3 турдаги зарранинг ($n/2$ электронлар, $n/2$ тешиklar и р фононлар) ҳар хил дисперция қонунларида ($\varepsilon_e = P_e^2 / 2m_e$), $\varepsilon_h = P_h^2 / 2m_h$, $\varepsilon_{ph} = C_s P_{ph}$, где C_s – товуш тезлиги, P_e P_h P_{ph} – электрон, тешик и фононнинг мос равишдаги импульси) пайдо бўлишини ҳисобга олиб статистик оғирлик учун биз янги ифодани оламиз:

$$S(n, p) = \frac{(m_0)^{\frac{3n}{2}} (f_e f_n)^{\frac{3}{4}n} \Omega^{\frac{n}{2} + \frac{1}{3}}}{2^{\frac{3n}{2}} \pi^{\frac{n}{2} + \frac{2}{3}} \hbar^{\frac{3n}{2} + 1} C_s^{\frac{3n}{2} + 1} (3S + \frac{3n}{2} - 1)!} \left[\frac{\Omega^{\frac{1}{3}} (h\nu - n\tilde{E}_g)}{\pi^{\frac{2}{3}} \hbar C_s} \right]^{3S + \frac{3}{2}n + 1} ! \quad (6)$$

фонон иккита кўндаланг ва битта бўйлама эркинлик даражасига эга

Бу ерда ҳар бир электрон ва тешикнинг импульси уч ўлчовли, фонон иккита кўндаланг ва битта бўйлама эркинлик даражасига эгалиги ҳисобга олинган, $h\nu$ - бирламчи юқори энергияли фотоннинг энергияси; шунда фақат тўғридан-тўғри электрон ўтишлар ҳисобга олинади, m_0 - эркин электроннинг массаси, m_{ofe} ва m_{ofn} электрон ва тешикнинг эффе́ктив массалари.


(6) га асосан ҳосил бўлган электронлар, тешиklar ва фононларнинг ўртача кўпайтмаси осон ҳисобланади:

$$\bar{n}_e = \bar{n}_h = \langle N_{ex} \rangle ; \quad (7)$$

$$\bar{n}_e = \bar{n}_h = \sum_{n,p} n S(n, p) / 2 \sum_{n,p} S(n, p) \quad (8)$$

$$\bar{n}_{ph} = \sum_{n,p} p S(n, p) / \sum_{n,p} S(n, p) \quad (9)$$

Квант нуқта ўлчамлари ва фотон энергиялари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиб, КЭГ эффекти кузатишган PbSe квант нуқталари учун экситон тақсимотларини $R(n)$ тузиш мумкин. Пуассон тебранишлари тақсимотининг асосий мезони $\{\bar{n}^2 = (\bar{n})^2 + \bar{n}\}$ КЭГ талқинида статистик назария ((6)-формула) бўйича бажарилмаслиги кўрсатилган. Буни фонларнинг туғилишини ҳисобга олмасдан, яъни $p=0$ деб фараз қилиб (6), (7) ва (8) формулалар асосида ечамиз. Масалан, $p = 3.9$ нм радиусли квант нуқта учун $h\nu = 3.63E_g$ энергияли фотон билан нурлантирилганда $\bar{n} = 4.2$; $(\bar{n})^2 = 17.64$; $\bar{n}^2 = 18.4$ ва $h\nu = 4.9E_g$ $\bar{n} = 5.7$; $(\bar{n})^2 = 32.49$; $\bar{n}^2 = 33.46$, яъни $\bar{n}^2 \neq (\bar{n})^2 + \bar{n}$ эканлиги келиб чиқади. Шундай қилиб, кўп экситон тебранишларининг тақсимланиши Пуассон эмас. Бундай ҳолда, Пуассон қонунидан оғиши фотон энергиясининг ортиши билан ортади, яъни $\frac{d|\bar{n}^2 - (\bar{n})^2 - \bar{n}|}{d(h\nu)} > 0$



1-расм. Энергияли фотон а) $h\nu = 3.63E_g$, б) $h\nu = 4.9E_g$ статистик назарияси асосида ютилганда 3.9 нм PbSe квант нуқтасида экситон ҳосил бўлишининг эҳтимолий тақсимоти.

Наноструктураларнинг ўлчамлари статистик Fermi назарияси асосида КЭГ эффектига қандай таъсир қилиши мумкинлиги ҳақидаги саволни муҳокама қиламиз. Формуланинг (6) экситон ҳосил бўлиш эҳтимолини ҳисоблаш учун бир нечта омилларни ўз ичига олувчи, КН радиусига боғлиқ (яъни $m(R_0)$, $\Omega(R_0)$ ва $E_g(R_0)$) КЭГ эффектининг квант самарадорлигини максималлаштирувчи R_0 нинг оптимал қийматини топишга имкон беради. Бунинг учун $\ln S(n)$ экстремумини топиш етарли.

Қуйдаги ўлчамларни ҳисобга олган ҳолда:

$$m \approx \frac{m_0}{5} \left[1 + \frac{4}{5} \chi^2 \left(\frac{a^2}{R_0^2} \right) \right], E_g = E_g^0 + \frac{\hbar^2 \chi^2}{2m_0 a^2} \left(\frac{a^2}{R_0^2} \right), \Omega = \frac{4\pi}{3} a^3 \left(\frac{R_0^3}{a^3} \right) \quad (10)$$

Шуни аниқлаймиз:

$$\ln S(n = \text{const.} + \frac{3n}{2} \ln \left[1 + \frac{4}{5} \chi^2 \left(\frac{a^2}{R_0^2} \right) \right] + 3n \ln R_0 + \left(\frac{3n}{2} - 1 \right) \ln \left[1 - \frac{n}{2} \frac{E_g^0 + \frac{\hbar^2 \chi^2}{2m_0 a^2} \left(\frac{a^2}{R_0^2} \right)}{h\nu} \right] \quad (11)$$

$\frac{d \ln(S(n))}{dR_0} = 0$ шарт биринчи яқинлашишда оптималлаштирилган КН ҳажми учун куйидаги қийматни беради:

$$R_0^{opt} = a\chi \left(1 - \frac{5}{24} \left(\frac{3}{2}n - 1 \right) n \frac{1}{\hbar v} \frac{\hbar^2}{2m_0 a^2} \right)^{1/2} \quad (12)$$

(9) формуладан кўриниб турибдики, R_0^{opt} фотон энергияси ортиши билан ортади. Материалнинг тури атомлараро масофа a билан ҳисобга олинади, иккинчи яқинлашув бизга R_0^{opt} нинг E_g^0 га и a га боғлиқлигини беради. Шундай қилиб, КТ ўлчамининг максимал даражада оптималлаштирилган қийматида, КНда экситон ҳосил бўлиш эҳтимолининг ўлчовли боғлиқлиги эгри шаклга эга.

Статистик Ферми назариясини КЭГ эффектига татбиқ этиш асосида, юқори энергияли фотон ($\hbar\nu \gg E_g$) нанозарраларда ютилади ва унинг энергияси тизимда мавжуд бўлган турли хил эркинлик даражалари ўртасида тез тақсимланади, яъни n электронлар ва тешиқлар ($n/2$ экситонлар) ҳосил бўлади. Импулснинг сақланишини эътиборсиз қолдириб, самарали ҳажмда Ω маълум бир энергия тақсимотига эга бўлган n заррачаларининг туғилиш эҳтимоли учун куйидаги ифодани ёзамиз

$$S(n) = \frac{m_0^{3n/2} \Omega^n}{2^{3n/2} \pi^{3n/2} \hbar^{3n}} \frac{T^{\frac{3n}{2}-1}}{\left(\frac{3n}{2}-1\right)!}. \quad (13)$$

Бу ерда m_0 - эркин электроннинг массаси; $n = 2, 4, 6, \dots$ ҳосил бўлган зарралар сони (электронлар ва тешиқлар); T -ҳосил бўлган зарраларнинг умумий кинетик энергияси. Шунда n зарралар ҳосил бўлишининг нисбий эҳтимоли куйидагича аниқланади

$$W(n) = \frac{S(n)}{\sum_n S(n)}. \quad (14)$$

Фотон ютилиш пайтида КЭГ нинг квант чиқиши $QY = \langle N_{e-h} \rangle * 100\%$ га тенг, бу ерда $\langle N_{e-h} \rangle$ электрон-тешиқ жуфтларининг ўртача сони бўлиб, уларни статистик оғирликлар ёрдамида ҳисоблаш мумкин;

$$\bar{n} = 2 \langle N_{e-h} \rangle = \frac{\sum_n n * S(n)}{\sum_n S(n)}. \quad (15)$$

Умуман олганда, модел (13-тенглама) га кўра, иккита параметр, заррачаларнинг эффектив ҳажми (Ω) ва кинетик энергияси (T) нанозаррачаларнинг ўлчами ва шаклига боғлиқ. Шундай қилиб, тажрибаларда кузатиладиган ўлчамлилик эффектини наносимларнинг КН га нисбатан эффектив ҳажмининг турли қийматлари ва шу ҳажмда ҳосил бўлган зарраларнинг кинетик энергияси асосида изоҳлаш мумкин. КН нинг самарали ҳажми $\Omega = (3/4)\pi R^3$, ва наносим учун $\Omega = \pi R^2 L_{eff}$ у кўринишга эга, бу ерда L_{eff} наносимнинг эффектив узунлиги бўлиб PbSe учун КЭГ нинг квант чиқиш максимал бўлган томонларининг 6-7да оптимал нисбати билан аниқланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фотоннинг чегара энергияси ва наносимларда қўшимча электрон тешиқ жуфтини яратиш энергияси квант нукталарига қараганда камроқ, шунинг учун наносимлардаги зарраларнинг

кинетик энергияси катта бўлиши керак. Шундай қилиб, тажрибаларда ўрнатилган PbSe наносимларда КЭГ эффеќти шундай таќиќланган зонали квант нуќталар билан солиштирганда анча юќорироќ, буни бир нечта зарралар ҳосил бўладиган эффеќтив ҳажмнинг юќори қийматлари ва уларнинг юќори кинетик энергияси билан изоҳлаш мумкин. PbSe наносимлари ва квант нуќталари учун КЭ баҳоси 13 ва 14 тенгламалари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Битта экситон ҳосил бўлишининг статистик оғирлиги қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$S(2) = \frac{m_0^3 \Omega^2 T^2}{8\pi^3 \hbar^6 2!} \quad (16)$$

Биз экситон ҳосил бўлишининг статистик оғирлиги қуйидагига тенг

$$S(4) = \frac{m_0^6 \Omega^4 T_1^5}{64 \hbar^{12} 5!} \quad (17)$$

Бир хил диаметр ва таќиќланган зона эффеќтив кенглигига эга PbSe наносимларда ва квант нуќталарда КЭГ самарадорлиги 15-формула бўйича ҳисоблаб чиќилган.

Биз наносимлар ва квант нуќталари учун уч хил диаметрли (2,7 нм, 3,7 нм ва 4,7 нм) 3,1 эВ энергияли фотон билан кўзғатилганда тегишли назарий натижаларни экспериментал натижалар билан таќқосладик. Бунда $d = 2,7$ нм ва 3,7 нм ўлчамдаги иккита нанозарралар учун квант нуќталарда $E_{th} = 2.7E_g$ ва наносимларда $E_{th} = 2.6E_g$ КЭГ фотонларнинг чегара энергиясидан фойдаланган холда самарадорлигининг назарий натижалари тажрибавий маълумотлар билан яхши келишув мавжудлиги кўрсатилди (1 ва 2-жадвалларга қаранг). Энг катта нанозаррачалар учун ($d = 4.7$ нм) $E_{th} = 3.1E_g$ да тажрибалар билан келишувга эришилди (3-жадвал). Наносимларнинг эффеќтив ҳажмларини ҳисоблашда наносимларнинг оптимал нисбати ($A_c = 7$) ишлатилганда КЭГ нинг квант самарадорлиги максимал бўлган. Умумий қабул қилинган диэлектрик формализмга асосланиб, электрон-ковак жуфтлигидаги Кулон ўзаро таъсири тахминан қутбланувчи тўлқинлар ва турли хил тўлқин қиймати йиғиндиси билан аниќланади, шунинг учун паст ўлчовли наноструктураларда, шу жумладан КН ва наносимларда ҳажмли яримўтказгичларга қараганда диэлектрик ўтказувчанлик пастроќ бўлиши керак деб тахмин қилиш мумкин. Шунинг учун биз моделни ва тажрибани мувофиќлаштириш учун PbSe наносимлари ва квант нуќталаридаги электрон ковак жуфтлигидаги Кулон ўзаро таъсир ихтиёрий энергия қийматларини танладик ва унинг нанозаррачалардаги қийматлари ҳажмли PbSe каттароќдир. Бундан ташқари, 1-3-жадваллардан кўриниб турибдики, танланган экситон энергиялари заррача диаметри билан тескари боғлиќдир.

1 Жадвал.

Диаметри 2,7 нм ва таќиќланган зона кенглиги 0,89 эВ бўлган PbSe КН ва наносимлар

КН: $E_{th} = 2.7E_g$; $E_{exc} = 0.4\text{эВ}$

n	S(n)	$\langle N_{e-h} \rangle_{theor}$	$\langle N_{e-h} \rangle_{exp}$
---	------	-----------------------------------	---------------------------------

2	$2.06 \cdot 10^{22}$	1.16	1.15
4	$4.02 \cdot 10^{21}$		

Наносимлар: $E_{th} = 2.6E_g$; $L=7 \cdot 2.7 \text{nm} = 18.9 \text{nm}$; $E_{exc} = 0.4 \text{эВ}$

n	S(n)	$\langle N_{e-h} \rangle_{theor}$	$\langle N_{e-h} \rangle_{exp}$
2	$1.66 \cdot 10^{24}$	1.38	1.30
4	$9.84 \cdot 10^{23}$		

2 Жадвал.

Диаметри 3,7 нм ва тақиқланган зона кенлиги 0,81 эВ бўлган PbSe КН ва наносимлар

КН: $E_{th} = 2.7E_g$, $E_{exc} = 0.17 \text{эВ}$

n	S(n)	$\langle N_{e-h} \rangle_{theor}$	$\langle N_{e-h} \rangle_{exp}$
2	$1.21 \cdot 10^{23}$	1.23	1.22
4	$3.65 \cdot 10^{22}$		

Наносимлар: $E_{th} = 2.6E_g$; $L=7 \cdot 3.7 \text{nm} = 25.9 \text{nm}$; $E_{exc} = 0.02 \text{эВ}$

n	S(n)	$\langle N_{e-h} \rangle_{theor}$	$\langle N_{e-h} \rangle_{exp}$
2	$1.18 \cdot 10^{25}$	1.55	1.5
4	$1.47 \cdot 10^{25}$		

3 Жадвал.

Диаметри 4,7 нм ва тақиқланган зона кенлиги 0,66 эВ бўлган PbSe КН ва наносимлар

КН: $E_{th} = 3.1E_g$; $E_{exc} \sim 0$

n	S(n)	$\langle N_{e-h} \rangle_{theor}$	$\langle N_{e-h} \rangle_{exp}$
2	$5.0 \cdot 10^{23}$	1.40	1.50
4	$3.58 \cdot 10^{23}$		

Наносимлар: $E_{th} = 2.6E_g$; $L=7 \cdot 4.7 \text{nm} = 32.9 \text{nm}$; $E_{exc} = 0$.

n	S(n)	$\langle N_{e-h} \rangle_{theor}$	$\langle N_{e-h} \rangle_{exp}$
2	$5.52 \cdot 10^{25}$	1.89	1.80
4	$4.34 \cdot 10^{26}$		

Моделга кўра, наносимлардаги юқори эффе́ктив хажм ва катта кинетик энергияли электрон ковак жуфтлик КЭГ қуий энергия чегараси камлигидан шундай КН билан солиштирганда юқори КЭГ квант чиқишига олиб келади ва булар тажрибавий натижалар билан мос келади. Моделдан КЭГ фотон энергия чегарасининг маълум қийматларида кичик ўлчамли наноструктураларда КЭГ самарадорлигини баҳолаш учун ва қўшимча электрон-ковак жуфтини яратиш энергиясида фойдаланиш мумкин.

"МЭГ эффе́ктивнинг турли омиллари" номли учинчи бобда экситон кўзғалиш механизми, квант нуқтасидаги электроннинг эффектив массаси ва квант нуқталарида Фано резонансининг ролини ўрганишга бағишланган. Экситон кўзғалиш механизмининг моҳияти шундаки, юқори энергияли фотонни ютган электроннинг жуда тез ўтиши билан квант нуқтасининг валент зонасининг қолган электронлари бу ўтишни потенциал силжиш сифатида ҳис қилишади.

Кўзғалиш механизмининг моҳияти шундаки, юқори энергияли фотонни ютган электрон жуда тез ўтишида, квант нуқтасининг валент зонасидаги қолган электронлар бу ўтишни потенциал силжиш сифатида ҳис қилишади. Фотон ютилиш пайтида N-1 экситонларнинг кўзғалиш эҳтимоли учун ифодани ёзамиз:

$$W_{N-1} = \prod_{i=1}^{N-1} |\langle \varphi_i | x_i \rangle|^2 \quad (18)$$

Бу ерда φ_i ва χ_i тўлқин функциялари i –чи экситон мос равишда безовталанмаган (бирламчи ўтишдан олдин) ва кўзғатилган (экситон туғилишидан кейин). Дастлабки ҳолат-бу "туғилмаган" экситонларнинг ҳолати, яъни электрон ва тешикнинг координатаси тўлиқ мос келадиган ҳолат. Бинобарин, Ваниер-Мотт экситонининг ички ҳаракати учун биз ифодаларни δ – функция шаклида олишимиз мумкин, яъни $\varphi_i(\rho) = \delta(\vec{\rho}_i)$, бу ерда ρ_i -электрон ва тешик орасидаги масофа. Охирги ҳолат - водородсимон функцияларнинг ҳосиласи (Юкава потенциалида $V(\rho_i) = -(e^2 / \epsilon \rho_i) e^{-\lambda \rho_i}$) бўлиб, бу ерда λ - барча N экситонларни бир-бири билан ҳимоя қилиш доимийлигидир. Вариацион принципдан фойдаланиб, биз i –чи экситоннинг энергиясини топамиз

$$E(\rho_i) = \frac{\hbar^2}{2\mu_{ex}} \int (\nabla x_i)^2 d^3 \rho_i - \frac{e^2}{\epsilon} \int \frac{1}{\rho_i} \exp(-\lambda \rho_i) |x_i(\rho_i)|^2 d^3 \rho + E_g \quad (19)$$

$x_i = (\alpha^{3/2} / \sqrt{\pi}) \exp(-\rho_i \alpha)$ учун, биз α -учун тескари Бор эффектив радиусини оламиз. Шу билан бирга, λ экранлаш доимийси учун иккита чегараловчи ифодаларга эгамиз: классик ҳол $\lambda_1 = \sqrt{4\pi e^2 n / kT}$ ва квант ҳол $\lambda_2 = 2(3/\pi)^{1/6} \sqrt{me^2 / \hbar^2 n^{1/6}}$

Иккала вариантда ҳам $\lambda \sim n^\gamma$, яъни $\gamma_1 = 1/2$ ва $\gamma_2 = 1/6$; квант нуқтасидаги экситонларнинг зичлиги. Шунда кўзғалувчи интеграл куйдагига олиб келади:

$$W_{N-1} = \{x_i(0)\}^{N-1} = \left[(1/\pi) (\hbar^2 \epsilon \lambda^2 / 12 \mu_{ex} e^2) \right]^{N-1} \quad (20)$$

N – экситонлар генерациясининг кесмаси $\sigma_N^{ex} = \sigma_1^{ex} W_{N-1}$. га тенг бўлади.

Экситонларнинг эҳтимолий кўзғалиши учун ифода олинди, бунда агар сирт ҳолатлари бўш бўлса, силкиниш валент зонадан нанозарраларнинг сирт сатҳларга ўтиш билан ҳам содир бўлиши, бу эса барча экситонларни бир-бири билан ҳимоя қилиш доимийлигини самарали равишда камайтириши


шунингдек экситон кўзғалиши эҳтимолий экситонлар сонининг кўпайиши билан жуда тез камайишини кўрсатди.

Эффектив массанинг нанокластер радиусига, шунингдек электрон бўшлиқнинг кенглигига боғлиқлиги тажрибада ҳам, турли эффектларни назарий таҳлил қилишда ҳам ҳисобга олиниши керак.

Биз таклиф қилаётган ғоянинг моҳияти қуйидагилардан иборат, адабиётлардан маълумки, квант нуқталари юзасидаги Тамм ҳолатлари бир қатор хусусиятларга эга: биринчидан, уларнинг сони хажмий электрон ҳолатлар сонига мос келади ва иккинчидан, ушбу сирт ҳолатлари хажмий намуналарда Тамм ҳолатларига нисбатан анча кенгайтирилган. Бу Тамм ҳолатлари орқали электрон ўтишларнинг эҳтимоли кўпроқ бўлишига олиб келади (улар учун осциллятор кучлари кўпаяди).

Бундан ташқари, юқори энергияли фотон квант нуқтасида ютилганда, электронларнинг валент зонасидан ўтказувчанлик зонасига ўтишининг икки хил усули мавжуд: биринчиси, одатда муҳокама қилинадиган, яъни квант нуқтасининг валент электронини ўтказувчанлик зонасига тўғридан-тўғри ўтказиш, ва иккинчиси - КЭГ контекстида биринчи марта муҳокама қилинган-бу бир вақтнинг ўзида 2 та электронни валентлик зонасидан квант нуқталардаги тақиқланган зона ярмининг юқорисидаги эркин Тамм ҳолатларига ўтказиш.

Бу ҳолат виртуал бўлиб, бир электронни валент зонасига қайтариш ва бир вақтнинг ўзида иккинчи электронни ўтказувчанлик зонасига ўтказиш йўли билан амалга оширилади (шундай қилиб, Тамм сатхларида 2 та электроннинг ҳолати, уларнинг умумий энергияси тақиқланган зона энергиясидан ошиб кетишини ҳисобга автоионизация ҳисобланади) (2-расм).



2- Расм. Валент зонадан ўтказувчанлик зонасига фотоқўзғалишнинг икки усули:
 1. Континиумда бир электрон кўзғалиши $|g\rangle \rightarrow |c\rangle$, $A + \hbar\omega \rightarrow A^+ + e^-$.
 2. Тамм даражаларининг квази-стационар ҳолатига кўзғалиш ва ўз-ўзидан ионланиш (электрон \rightarrow континуум): $|g\rangle \rightarrow |d\rangle$, $A + \hbar\omega \rightarrow A^* \rightarrow A^+ + e^-$

Атом физикаси учун Фано томонидан кўрсатилганидек валент зонасидан ўтказувчанлик зонасига иккита электрон ўтиш йўлини интерференциялайди, натижада Фано резонанси амалга ошади. Бундай интерференция натижасида квант нуқтасидаги фотон ютилиш коэффициенти қуйдагича кўпайиши керак:


$$\Delta\alpha = A \frac{(\varepsilon + q)^2}{\varepsilon^2 + 1} \quad (21)$$

шунда $\varepsilon = \frac{E - E_\phi}{\Gamma/2}$; E_ϕ - Фано резонанс энергияси, Γ - резонанс (автоионизация) даражаси кенглиги, $E = \hbar\nu$ ютилган юқори энергияли фотон

энергияси ва A – квант нуқталарда кам бўлмаган Тамм ҳолати сонига пропорционал қандайдир константа(!). Кесимлар тилида бу электронни валентлик зонасидан квант нуқтасининг ўтказувчанлик зонасига ўтказишнинг кесими иккита эҳтимолий йиғинди сифатида қурилганлигини англатади (бу адсорбция чизиғининг профили, 2-расм.)

$$\sigma_{v \rightarrow c} = \sigma_B \left\{ \frac{\sigma_a}{\sigma_B} [(q + \varepsilon)^2 / (1 + \varepsilon^2)] + 1 \right\} \quad (22)$$

Бу ерда σ_a и σ_B автоионизацияланиш ҳолатининг йўқлигини ҳисобга олган ҳолда фотоннинг ютилиш кесимлари ва q – ютилиш чизиғининг ассиметрия даражасини характерловчи Фанонинг индекс кўрсаткичи (3-расм).



3-расм. Фано резонансида ютилиш чизиғининг шакли


(22) дан кўринадики, q нинг катталигига қараб, электроннинг валент зонасидан ўтказувчанлик зонасига фотокўзғатиш эҳтимолигининг сезиларли қайта тақсимланиши амалга оширилиши мумкин. Жамоавий силкиниш туфайли юқорида баён этилган Фано интерференцияси бир неча электронлар билан бир вақтда содир бўлиши мумкинлиги сабабли, $\sigma_{ex}^{(n)}$ га Фано резонанси таъсир қилади ва КЭГ эффект эҳтимолини ошириши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаймизки, муҳокама қилинган расмда Тамм ҳолатларининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, квант нуқталарининг кичик радиусининг ўлчами ва уларнинг сиртининг ҳолати ҳам шунчалик муҳимдир. Фано резонансини Тамм ҳолатлари орқали амалга ошириш куёш энергиясини электрон-ковак кўзғалишига айлантиришнинг ички самарадорлигини оширади, яъни шу асосда биз бутун КЭГ-га асосланган ҚЭ самарадорлигини оширишни кутишимиз мумкин.

Шундай қилиб, квант нуқтасида электронни валентлик зонасидан ўтказувчанлик зонасига ўтказишнинг иккита усулида интерференциянинг таъсири кўриб чиқилди. Биринчи усул: одатий ўтиш "валентлик зонаси → ўтказувчанлик зонаси". Иккинчи йўл: квант нуқтасида Тамм сатҳи виртуал икки электронли ҳолат орқали "валентлик зонаси → ўтказувчанлик зонаси" га ўтиш, Оже эффекти орқали Тамм сатҳидаги электронлардан бирини ўтказувчанлик зонасига чиқариш. Ушбу икки ионизация йўлининг когерент кўшилиши билан Фано резонанси амалга ошириши мумкин, бу эса фотон ютиш коэффициентининг ошишига олиб келади. Бу ёруғлик конверсиясининг ички

самарадорлигини оширишга олиб келади ва КЭГ эффекти асосида қуёш элементи ФИКини ошириш учун асос бўлиши мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи “КЭГ эффектини қўллашда сирт ва контактларнинг роли” бобида “квант нуқта - полимер” бўлим чегараларининг ўтиши, квант нуқталар орасидаги контакт оралиғидан электрон ва ковакларнинг ўтиши ва ташувчиликнинг бўлиниш механизми муҳокама қилинади.

Бўлим чегараларини эннергетик структурасини 5 та кетма кетликдаги соҳаларини кўриб чиқамиз: I, II, III, IV, V. Бу ерда, I ва V – квант нуқталар соҳаси, III – эритувчи, II ва IV – тўсиқлар соҳасини англатади. Маълумки, электрон транспорти бу икта тўсиқ оралиғидаги қўшни квант нуқталар орасидаги тунелланиш резонансидир: ковак квант нуқтадан полимер орқали битта тўсиқ орқали тунеллаб ҳаракатланади.



4-расм. Бўлим чегараси орқали резонансли тунелланишнинг электрон ғалаёнланиши.

Электрон учун қизиқ ҳолат, классик яқинлашишдаги тунелланиш эҳтимоли қуйидагича кўринишда:

$$T = \left[1 + \frac{\tau_0^2}{\hbar^2} \left(E - \frac{1.78e^2}{\varepsilon R} - E_i \right)^2 \Theta^4 \right]^{-1} \quad (23)$$

Бу ерда E КН да экситон энергияси даражаси, $1.78e^2/\varepsilon R$ - КН боғланиш энергияси, E_i – эритма электронларининг энергия даражаси, τ_0 - III соҳасидаги тебраниш даври, $\Theta = \exp \left[\int_b^a P_n \frac{dx}{\hbar} \right]$, P_n - I соҳадаги электрон

импулси. Кўриниб турибдики, 2 та кетма кет тўсиқ орқали $E=E_i$ учун тунелланиш 100 % эҳтимолликда содир бўлади. Ковакли тунелланиш оддий ҳолат ҳисобланади ва унинг энг катта эҳтимоли лиганднинг кичик ўлчамли молекулада бўлиш шартидир. Агар электрон билан тўлдирилган тўсиқ орбитаси мавжуд бўлса, ковак тунелланиш эҳтимоллигини оширувчи шу сатҳ орқали резонанс типидagi тунелланиши содир бўлиши мумкин. Ташқи занжирдаги электрон тўпланиш кинетикаси қуйидагича аниқланади,

$$N_q(t) = N_0 \exp\left[-\frac{t}{\tau_A} + \frac{T}{\tau_0}t\right] \quad (24)$$

Бунда, τ_A – КН даги ковак ва электроннинг оже-рекомбинацияси вақти, N_0 – КЭГ эффектининг битта акти давомида квант нуқтасида генерацияланувчи экситонлар сони. Квант нуқтада экситонларнинг яшаш вақти қуйидагича аниқланади:

$$\tau_{bx} = \frac{\frac{\tau_0}{T} \tau_A}{\frac{\tau_0}{T} + \tau_A}$$

Ташувчиларнинг ташқи квант чиқиши эса, $\beta = \frac{N_{\text{кол.}}(t)}{N_0}$ $\beta = \frac{N_q(t)}{N_0}$.

Бу таҳлиллар натижасини эксперимент билан таққослаш қизиқарли. Тажрибалар шуни кўрсатадики, PbSe квант нуқталарининг сирти турли эритмалар билан қайта ишланиши квант нуқталар билан ютилган фотонлар улуши сифатида аниқланувчи, ташқи занжирда генерацияловчи ташувчилар КЭГ квант чиқиши кучли ўзгариши мумкин. Турли хил қайта ишлов беришлар системанинг бир нечта параметрларини ўзгаришига олиб келади: 1) экситоннинг яшаш вақти, 2) биэкситоннинг яшаш вақти, 3) квант нуқталар орасидаги масофа, 4) КЭГ квант чиқиши. Йўқотилган олеон молекулалари улуши сирти қайта ишлов беришда турли хил ҳолатларда турли хил. Тажриба натижалари маълумотлари қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Якка экситон яшаш вақти барча қайта ишловлар учун камаяди, тоза этанол эритмаси бундан истисно.
2. Биэкситон яшаш вақти квант нуқталар орасидаги масофанинг камайиши билан ортади.
3. КЭГ квант чиқиши барча ҳолатларда камаяди, тоза этанол эритмаси бундан истисно.

Бу экспериментал фактларни (17) ва (18) формулалар асосида изоҳлаш мумкин. Турли хил моддалар билан қайта ишланганда экситон яшаш вақтининг камайишини камайиб бораётган моддаларнинг йўқолишидаги эркин сирт ҳолатларининг рекомбинацияси ҳисобига Оже релаксация вақтининг камайиши билан, шунингдек, квант нуқта ва эритма электронидаги экситон энергияси сатхида жойлашган қайта ишлов берилувчи моддалар ҳамда тўсиқ параметрлари – тўсиқ кенглиги ва баландлиги таъсири тушунтириш мумкин. Кўриниб турибдики, тўсиқ кенглиги ва баландлигига фақат этанол билан ишлов берилган ҳолатда тўсиқ параметрига таъсир қилади, бунда оқим коэффиценти ортиши квант чиқишга таъсир ўтказади.

ХУЛОСА

«Наноструктураларда қуёш элементларининг 3-авлодини яратишда кўп экситонли генерациянинг таъсири» мавзусида фалсафа доктори (PhD)

диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Илк бор кўплаб заррачаларнинг вужудга келишида кичик ўлчамли наноструктураларда юқори энергияли фотон ютилишида кўп электрон – ковакли экситонларнинг пайдо бўлишидаги тажрибаларни тушунтириш имконини берувчи Ферми ёндашувининг статик доирасида феноменологик назарияси ташкил этилди, бундан ташқари квант нуқталарда кўплаб экситонларнинг вужудга келиши имконини берувчи шарт шароитлари назарий башорат қилинди.

2. Илк бор кўп заррали силкиниш тасаввурини асословчи микроскопик КЭГ назарияси яратилди. Фононлар ролини ҳисобга олган ҳолда статистик назария ва синергетик ёндашувга асосланиб хулоса қилганда, ночизиқли ва номувозанат жараён ҳисобланувчи битта юқори энергияли фотон ютилишида квант нуқтада кўплаб экситонлар туғилиш жараёни асосида электронлар силкиниш микромеханизми ётади, шунинг учун кўплаб экситонларни тақсимланиши нопуассон характерга эга.

3. Илк бор ярим ўтказгичлар квант нуқталарининг фрактал юзасида Фано эффекти ҳисобига модел қурилди ва ФИК ортиши шартлари келтирилди.

4. Биринчи марта квант нуқта ва юзалар чегара қийматидан генерацияланган зарядлар оқими, органик модда билан легирланганда квант нуқта чегара қатламида резонанс ҳолат мавжудлиги модели қурилди.

5. КЭГ эффектини ўрганишда тавсифланган барча макроскопик ва микроскопик ёндашувлар ушбу муаммони таҳлил қилиш ва кўриб чиқишга имкон берди, ўлчам ва ўлчамийлигини, нанозарралар юзасининг шаклини, шунингдек Фано таъсирини ўрганиш ва бу замонавий конденсерланга моддалар назариясининг позициялари асосида амалга оширилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ

МАРАСУЛОВ МУРАД БАБИРОВИЧ

**ЭФФЕКТ МНОЖЕСТВЕННОЙ ЭКСИТОННОЙ ГЕНЕРАЦИИ В
НАНОСТРУКТУРАХ ДЛЯ СОЗДАНИЯ СОЛНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ
ТРЕТЬЕГО ПОКОЛЕНИЯ**

02.00.12 – Нанохимия, нанофизика и нанотехнология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.3.PhD/FM527.

Диссертация выполнена в Институте химии и физики полимеров
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Тураева Нигора Назаровна
доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Матрасулов Даврон Урунович
доктор физико-математических наук, профессор
Юлдашев Шавкат Узгенович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский Государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится « 23 » декабря 2022 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 7^б. Тел. (99871) 241-85-94; факс: (99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № _____ (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри 7^б, Тел. (99871) 241-85-94)

Автореферат диссертации разослан « 9 » декабря 2022 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2022 года).

С.Ш. Рашидова

Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор, академик

И.Н. Нургалиев

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней, к.х.н., старший научный сотрудник

Н.Р. Ашуров

Председатель разового научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется исследованиям преобразования солнечной энергии в электричество на основе органо-неорганических материалов, которые являются наиболее экологически чистыми, эффективными и экономически оправданными. Одной из важных задач в исследованиях, проводимых в области солнечных элементов является необходимость развивать следующие поколения солнечных элементов с более высокими значениями предельных эффективностей по сравнению с предельными значениями по Шокли-Квайзеру и со значительной низкой стоимостью модуля.

В настоящее время ведущими мировыми научно-исследовательскими центрами активно ведутся исследования по разработки наноструктурированных материалов в качестве универсальных компонентов оптоэлектронных устройств с возможностью манипулировать светом а также контролировать поток энергии почти на атомном уровне. В связи с этим, солнечные элементы на основе наноструктур - такие как нанопроволоки и квантовые точки, представляют большую перспективу для манипулирования светом, и важной задачей является поиск новых подходов преобразования солнечной энергии в электричество.

В нашей Республике большое внимание уделяется расширению использования нетрадиционных источников энергии, в первую очередь солнечной энергии, развитию фундаментальных и прикладных работ на мировом уровне в данном направлении. Определены задачи по развитию науки и образования в стране, а также внедрение результатов фундаментальных исследований в практику. В «Стратегии³ действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и «Концепции развития науки до 2030 года⁴» для выполнения поставленных задач “Широкое внедрение возобновляемых источников энергии и повышение энергоэффективности...”. Востребованность этих исследований обусловлена также их прикладным значением в области создания органо-неорганических солнечных элементов с квантовыми точками для увеличения известной на данный момент эффективности преобразования энергии 25,7%.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных Указом Президента РУз №УП-4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годах», №ПП–2772 от 13 февраля 2017 года «О приоритетных направлениях развития электротехнической промышленности в 2017–2021 годах», №ПП–2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской

³Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

⁴Указ Президента Республики Узбекистан УП-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года»

деятельности», а также в других нормативно–правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан II «Энергетика, энергосбережение и альтернативные источники энергии» и VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Во многих странах мира стремительно увеличиваются научные исследования, направленные на эффект множественной экситонной генерации в наноструктурах для усиления стабильности и эффективности работы солнечных элементов третьего поколения. Многие из опубликованных статей посвящены исследования по повышению эффективности солнечных элементов, допированных квантовыми точками. В частности, зарубежными учеными, в числе Гретцеля М., Нозика А., М.Бирда, Климова В., Шаллера Р.Д., Захидова А., Каннигнгхэма П., Падилха Л., Грина Р., Сеока С.И., Парка Н.Г., Миясака Т., Риделя Т. Дейбла К., и др. ведутся теоретические и экспериментальные исследования эффекта множественной экситонной генерации в наноструктурных солнечных элементах.

Нашей Республике в развитие этого направления в внесли свой вклад академик Рашидова С.Ш., профессора Оксенгендлер Б.Л., Тураева Н.Н., Матрасулов Д.У., Ашуров Н.Р. и др., изучив процесс мультиэкситонной генерации в наноструктурированных солнечных фотоэлементах третьего поколения.

До настоящих исследований остаются не решенными вопросы по интерпретации экспериментальных результатов по квантовому выходу электронно-дырочных пар в квантовых точках и наностержнях при реализации эффекта множественной экситонной генерации, зависимости эффекта множественной экситонной генерации от размера и размерности, микроскопический механизм эффекта множественной экситонной генерации, а также роль поверхностных состояний при разделении электронно-дырочных пар. Достаточно полно проанализированы свойства органико-неорганических материалов, которые, по вполне обоснованным прогнозам, позволят в ближайшее время достичь экономических показателей эффективности солнечных элементов, присущих первому поколению.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в рамках научных проектов Института химии и физики полимеров Академии наук Республики Узбекистан: ФА-Ф7-Т-008 «Взаимосвязь специальных свойств нанополимерных систем с условиями синтеза и модификации природных и синтетических полимеров».

Целью исследования является разработка молекулярных механизмов эффективной конверсии солнечной энергии в электрическую в солнечных элементах 3-го поколения на основе множественной экситонной генерации.

Задачи исследования:

